

Халқаро муносабатларда зиддиятлар ва ноаниқликлар кучайиб бораётган бугунги шароитда биз бир-биримизни қўллаб-қувватлаётимиз ва халқларимиз учун фаровон келажак барпо этаётимиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

2023-yil
20-may
shanba
№ 63 (4815)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

«Марказий Осиё – Хитой» биринчи саммити СТРАТЕГИК ШЕРИК ВА ИШОНЧЛИ ДЎСТ ДАВЛАТЛАР АНЖУМАНИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 май кунини Сиань шаҳрида «Марказий Осиё – Хитой» биринчи саммитида иштирок этди. Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин раислигида ўтган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садр Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ҳам қатнашди. Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳамда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

ТАШРИФ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат ташрифи 18 май кунини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан икки томонлама музокаралардан бошланди.

Учрашув икки мамлакат делегациялари иштирокида Сиань шаҳридаги «Шэньси» қароргоҳида бўлиб ўтди.

Олий даражадаги музокаралар якунлангач, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёотно имзоладилар ва 2023-2027 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида янги даврдаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш дастурини қабул қилдилар.

Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган жами 41 та ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сиань шаҳрида ўтаётган Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой саммити доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитойга давлат ташрифининг иккинчи кунини тадбирлари доирасида Сиань шаҳрида ўтаётган «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли курилиши лойиҳаси бўйича кейинги боқичларни назарда тутувчи уч томонлама ҳужжат имзоланди.

Давлатимиз раҳбари ХХР Давлат кенгаши Боз вазири ўринбосари Хэ Лифэн ҳамроҳлигида шу кунларда Сиань шаҳрида ўтаётган Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги кўргазмасига ташриф буюрди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Хитой ишбилармон, молия ва инвестиция доираларининг етакчи вакиллари билан учрашув ўтказди.

Хитой Халқ Республикасининг Сиань шаҳрида Хитой Халқ Республикасининг тараққиёт ва ислохотлар Давлат қўмитаси, Қирғизистон Республикаси транспорт ва коммуникациялар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ўртасида «Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» темир йўли курилиши лойиҳаси бўйича кейинги боқичларни назарда тутувчи уч томонлама ҳужжат имзоланди.

Йиғилиш



МИНТАҚА КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ МАШВАРАТИ

Остона шаҳрида Марказий Осиё мамлакатлари касоба уюшмалари кенгашининг III йиғилиши бўлиб ўтди

Форумда аъзо давлатлар – Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Мўғулистон ва Тожикистон миллий касоба уюшма марказлари касоба уюшмалари раҳбарлари, шунингдек, Озарбойжон ва Туркия касоба уюшмалари делегациялари иштирок этди.

Йиғилиш давомида кенгаш фаолиятининг 2023 йилдаги асосий йўналишлари таҳлил қилинди. Томонлар бу борада ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини илгари сурди.

Анжуманда кенгаш доирасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳужжатга мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатларида халқаро ва ички туризмни ривожлан-

тириш концепцияси ишлаб чиқилади.

Йиғилишда кенгаш иштирокчилари Марказий Осиё давлатлари касоба уюшмалари кенгаши касоба уюшма ташкилотлари ўртасида «Энг яхши жамоа шартномаси» кўрик-танловини ўтказиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Танлов якунлари жорий йилнинг сентябрь ойида кенгашнинг IV йиғилишида эълон қилиниши кутилмоқда.

Ўзбекистон касоба уюшмалари Федерацияси делегациясининг Қозоғистон Республикасига ташрифи давом этмоқда.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

Халқаро анжуман

«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

16-18 май кунлари Самарқандда Европа
тикланиш ва тараққиёт банки
Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик
йиғилиши ўтказилди



Дунё қалқиб турибди. Иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар таҳдидига боғлиқ хатарлар кучаймоқда. Дард устига чипқон деганларидек, глобал иқтисодий муаммолар тобора жиддий тус олмоқда. Ана шундай мураккаб ва таҳликали вазиятлардан чиқиш йўллари ахтариш, мамлакатлар ва соҳалар ўртасида кўп қиррали алоқалар долзарб аҳамият касб этаётган бир шароитда Самарқандда Европа тикланиш ва

тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 32-йиллик йиғилиши юқори савияда бўлиб ўтди. Унда 70 та давлатдан ҳукумат вакиллари, трансмиллий корпорациялар, халқаро молия институтлари ва банклар раҳбарлари, иқтисодий инвестициялар, молия ва технология соҳасидаги экспертлар, шунингдек, чет эллик ОАВ ходимлари – жами 2500 дан зиёд меҳмон қатнашди.

>>> 2

